

9-10-2019

SYSTEMATIC ANALYSIS AND SPECIES COMPOSITION OF THE FAMILY CHENOPODIACEAE IN THE FLORA OF SOUTH-WESTERN KYZYLKUM

Husniddin Qurbonovich Esanov
Bukhara state university

Avaz Riskulovich Batoshov
Namangan State University

Feruz Kamariddinovich Shodmonov
Bukhara state university

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Esanov, Husniddin Qurbonovich; Batoshov, Avaz Riskulovich; and Shodmonov, Feruz Kamariddinovich (2019) "SYSTEMATIC ANALYSIS AND SPECIES COMPOSITION OF THE FAMILY CHENOPODIACEAE IN THE FLORA OF SOUTH-WESTERN KYZYLKUM," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 6 , Article 22.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss6/22>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

SYSTEMATIC ANALYSIS AND SPECIES COMPOSITION OF THE FAMILY CHENOPODIACEAE IN THE FLORA OF SOUTH-WESTERN KYZYLKUM

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

**ЖАНУБИЙ-ҒАРБИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФЛОРАСИДА ШЎРАДОШЛАР
(CHENOPODIACEAE) ОИЛАСИ ТУРЛАР ТАРКИБИ ВА УЛАРНИНГ
СИСТЕМАТИК ТАҲЛИЛИ.**

Эсанов Хусниддин Қурбонович

Бухоро давлат университети, биология кафедраси доценти.

Батошов Аваз Рискулович

Наманган давлат университети, биология фанлари доктори

Шодмонов Феруз Қамариддинович

Бухоро давлат университети, биология кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада жануби-ғарбий Қизилқум флораси таркибида учрайдиган *Chenopodiaceae* оиласи таҳлил қилинган. Унда оиланинг 29 туркумга мансуб 71 турдан ташкил топган конспекти келтирилган.

Таянч сўз ва иборалар: туркум, тур, Бухоро, флора, конспект, гербарий, ўсимлик.

**ВИДОВОЙ СОСТАВ И ИХ СИСТЕМАТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СЕМЕЙСТВА
МАРЕВЫХ (CHENOPODIACEAE) ВО ФЛОРЕ ЮГО-ЗАПАДНОГО КЫЗЫЛКУМА**

Эсанов Хусниддин Қурбонович

Бухарский государственный университет, доцент кафедры биологии

Батошов Аваз Рискулович

Наманганский государственный университет, доктор биологических наук

Шодмонов Феруз Қамариддинович

Бухарский государственный университет, преподаватель

Аннотация: В этой статье анализированны семейство *Chenopodiaceae* которые входят в состав флоры юго-западного Кызылкума. Приведены конспекты 71 видов выключаящийся в 29 родов этого семейства.

Ключевые слова: род, вид, Бухара, флора, конспект, гербарий, растение.

**SYSTEMATIC ANALYSIS AND SPECIES COMPOSITION OF THE FAMILY
CHENOPODIACEAE IN THE FLORA OF SOUTH-WESTERN KYZYLKUM**

Esanov Husniddin Qurbonovich

Bukhara state university, docent department of biology

Batoshov Avaz Riskulovich

Namangan State University, doctor of biological sciences

Shodmonov Feruz Kamariddinovich

Bukhara state university, teacher

Abstract: This article provides a taxonomic analysis of the *Chenopodiaceae* families in the South-Western Kyzylkum. Given a synopsis of the family whether consist of 71 species belonging to 29 genera.

Keywords: genus, species, Bukhara, flora, synopsis, herbaria, plant

Бухоро флораси таркибида Шўрадошлар оиласи энг йирик оилалардан бири бўлиб, флора таркибида турлар сонининг кўплигига кўра 2-ўринни эгаллайди. Оила таркибидаги бир қатор турлар ўсимликлар жамоасида эдификатор сифатида асосий манзарани намоён қилади. Айниқса, чўл ҳудудларида қурғоқчил шароитда, шўр тупроқларда (*Kalidium capsicum*, *Salicornia europaea*, *Salsola androssovii*, *S. collina*, *Halostachys belangeriana*, *Halocnemum strobilaceum*), кўчма қумларда (*Agriophyllum lateriflorum*, *A. latifolium*, *A. minus*, *Atriplex dimorphostegia*, *Haloxylon persicum*, *Corispermum lehmannianum*) жуда кенг тарқалган. Айни пайтгача олиб борилган тадқиқотлар натижасида *Amaranthaceae* 29 туркумга мансуб 71 турдан ташкил топганлиги аниқланди.

Оиланинг етакчилик хусусиятини Турон провинциясига кирадиган бошқа флораларда [1; 3; 4] ҳам қайд этилганлигини кўриш мумкин. Бу оиланинг етакчилик хусусиятини *Salsola* (17 тур), *Suaeda* (7), *Climacoptera* (6), *Atriplex* (4), *Halimocnemis* (4) туркумларида турларнинг кўп учраши билан асослаш мумкин. Қолган туркумлар 1-3 турдан иборат. Мазкур оила жануби-ғарбий Қизилқум таркибида 91 тур ёки 15,69 % билан иштироки мазкур флорадаги улushiга яқинлигини намоён қилди. Бу ҳолат чўлга хос хусусиятларни намоён қиладиган флоралар билан умумийликни кўрсатди [5].

Турларнинг таксономик таҳлили А.Л. Takhtajan [8] таклиф этган тизим асосида, ҳаётий шакллар «Определитель растений Средней Азии» [2], турларнинг илмий номлари «Определитель растений Средней Азии» ва халқаро индекслар - International Plants Names Index [7], The Plant List [9] бўйича келтирилди.

Amaranthaceae оиласи ҳаётий шакллар бўйича бир йилликлар – 61 тур, яримбута – 8, дарахт – 2, дарахтча – 2, бута – 3, бутача – 1 турдан ташкил топган. Таркибнинг асосий қисмини бир йиллик ўсимликларнинг эгаллаши оиланинг чўлга хос хусусиятларини кўрсатади. Уларнинг хўжалик аҳамияти ўрганилганда ем-хашак (67 тур), доривор (14 тур), ёқилғи (6 тур) ва бошқа мақсадларда фойдаланилиши аниқланди.

2006-2018 йилларда олиб борилган дала тадқиқотлари натижасида йиғилган гербарий ва Миллий гербарийда (TASH) сақланаётган намуналарни ўрганиш асосида *Amaranthaceae* оиласининг конспекти тузилди.

Agriophyllum lateriflorum (Lam.) Moq. Кумарчик бокоцветковый – ёнгулли кумарчик. Бир йиллик. Эрон-Турон. Қум тупроқлар, бўз ерларда учрайди. Пешку туман. (Эсанов, 2016). Ем-хашак. Ўрта Осиё эндеми.

Agriophyllum latifolium Fisch. et C. A. Mey. Кумарчик широколистный – кенгбаргли кумарчик. Бир йиллик. Эрон-Турон. Бархан қумларда ўсади. Пешку, Жондор, Қорақўл туманлари (Паройская, 1939; Эсанов, 2006). Ем-хашак.

Agriophyllum minus Fisch. et C. A. Mey. Кумарчик малый – майда кумарчик. Бир йиллик. Эрон-Турон. Бархан қумларда ўсади. Пешку, Жондор, Қорақўл туманлари (Лепешкин, 1931; Эсанов, 2016). Ем-хашак.

Anabasis annua Bunge. Ежовник однолетний – бир йиллик биюрун. Бир йиллик. Турон. Қумли, шағалли, гипсли, тақир тупроқларда учрайди. Жондор, Ромитан туманлари (Попов, 1926; Адылов, 1959). Асал ширали, ем-хашак ўсимлик.

Anabasis turkestanica Korovin et Pjin. Ежовник туркестанский – туркистон биюргуни. Яримбутача. Турон. Шўр, тақир, гилли тупроқларда ўсади. Бухоро тумани (Эсанов, 2007). Доривор, асал ширали, заҳарли ўсимлик.

Atriplex hastata L. Лебеда копьевидная – найзасимон олабута. Бир йиллик. Понтик-Қадимий Ўртаер. Экинлар ораси, ташландиқ ерлар, ариқ ва йўл бўйларида ўсади. Бухоро воҳаси (Эсанов, 2006, 2016). Ем-хашак ўсимлик.

Atriplex dimorphostegia Kar. et Kir. Лебеда диморфная – чўл олабутаси. Бир йиллик. Эрон-Ўрта Осиё. Қумли тупроқлар ва тақирлар атрофларида ўсади. Бухоро, Когон, Пешку, Ромитан, Жондор, Ѓиждувон туманлари (Верник, Набиев, 1955; Эсанов, 2007). Ем-хашак ўсимлик.

Atriplex tatarica L. Лебеда татарская – татар олабутаси, оддий олабута, эшакшўра. Бир йиллик. Европа-Сибир-Қадимий Ўртаер. Ариқ ва йўл бўйлари, экинзорлар атрофи, боғлар, далалар, ташландиқ ерларда ўсади. Бухоро воҳаси (Пазий, 1932; Архиреев, 1936; Эсанов, 2006). Ем-хашак ўсимлик.

Atriplex turcomanica Fisch. et C. A. Mey. Лебеда туркменская – туркман олабутаси. Яримбута. Эрон-Турон. Тақир ва шағалли тупроқларда учрайди. Пешку тумани (Эсанов, 2007). Ем-хашак ўсимлик.

Bassia hyssopifolia (Pall.) Kuntze. Бассия иссополистная – илмоқли қўнғиршўра. Бир йиллик. Понтик-Қадимий Ўртаер. Йўл ва ариқ бўйлари, далалар, боғлар, ташландиқ, экинлар атрофида ўсади. Бухоро воҳаси (Пазий, 1932; Эсанов, 2006). Ем-хашак ўсимлик.

Ceratocarpus arenarius L. (= *Ceratocarpus utriculosus* Bluket). Рогач сумчатый – халтали эбалак. Бир йиллик. Эрон-Ўрта Осиё. Қумли, шўрхоқ, шағалли тупроқларда ўсади. Бухоро, Когон, Пешку, Ромитан, Жондор, Ѓиждувон туманлари (Попов, 1921; Эсанов, 2006). Заҳарли ва ем-хашак ўсимлик.

Chenopodium album L. Марь белая – оқ шўра. Бир йиллик. Плюрегионал. Экинзорлар, ташландиқ ерлар, боғлар, йўл, ариқ, канал бўйларида учрайди. Бухоро воҳаси (Бурыгин, 1948; Эсанов, 2006). Доривор, ем-хашак, озиқбоп, бўёқбоп ўсимлик.

Chenopodium glaucum L. Марь сизая – ғуборли шўра. Бир йиллик. Плюрегионал. Шўр тупроқлар, ариқ ва зовур бўйлари, қўллар атрофлари, ташландиқ ерлар, экинзорларда учрайди. Бухоро воҳаси (Эсанов, 2015). Ем-хашак ва витаминли ўсимлик.

Chenopodium rubrum L. Марь красная – қизил шўра. Бир йиллик. Европа-Сибир-Ўрта Осиё. Шўр тупроқлар, ариқ ва зовур бўйлари, қўллар атрофлари, ташландиқ ерлар, экинзорларда ўсади. Бухоро воҳаси (Момотов, Ли, 1956; Эсанов, 2015). Доривор, ем-хашак ва озиқбоп ўсимлик.

Climacoptera ferganica (Drobow) Botsch. Климакоптера ферганская – фарғона балиққўзи. Бир йиллик. Ўрта Осиё. Йўл бўйи, ташландиқ ерлар, тақир ва шўрхоқ тупроқларда ўсади. Бухоро шаҳри (Коровин, 1945). Ем-хашак ўсимлик.

Climacoptera lanata (Pall.) Botsch. Климакоптера шерстистая – сертук балиққўз. Бир йиллик. Ўрта Осиё. Шўрхоқлар, йўл бўйлари, ташландиқ ерлар, экинзорлар атрофи ва тўқайларда учрайди. Бухоро воҳаси (Эсанов, 2006). Ем-хашак ўсимлик.

Climacoptera merkulowiczii (Zakirov) Botsch. Климакоптера меркуловича – меркулович балиққўзи. Бир йиллик. Қизилқум. Шўр тупроқлар ва ташландиқ ерларда учрайди. Когон тумани (Пазий, 1932; Момотов, Ли, 1956). Камёблик даражаси 2. Қизил китоб (2009). Қизилқум эндеми. Ем-хашак ўсимлиги.

Climacoptera minkwitzae (Korovin) Botsch. Климакоптера минквица – минквиц балиққўзи. Бир йиллик. Қизилқум. Шўр тупроқлар, йўл бўйлари ва ташландиқ ерларда учрайди. Когон тумани (Попов, 1926; Пазий, 1932). Қизилқум эндеми. Ем-хашак ўсимлиги.

Climacoptera transoxana (Iljin) Botsch. Климакоптера заамударьинская – амударёорти балиққўзи. Бир йиллик. Эрон-Турон. Шўр тупроқлар ва ташландиқ ерларда учрайди. Бухоро шаҳри, Когон тумани (Попов, 1926). Витаминли ва ем-хашак ўсимлиги.

Climacoptera turcomanica (Litv.) Botsch. Климакоптера туркменская – туркман балиққўзи. Бир йиллик. Эрон-Турон. Тақир, шўрхоқ ва мустаҳкамланган қумларда ўсади. Когон, Жондор туманлари (Тыщенко, 1931; Архив, 1936). Ем-хашак ўсимлиги.

Corispermum korovinii Iljin. Верблюдка коровина – коровин қумтариғи. Бир йиллик. Ўрта Осиё. Қумли тупроқлар. Бухоро, Когон, Пешку, Ромитан, Жондор туманлари (Эсанов, 2006). Ем-хашак ўсимлиги.

Corispermum lehmannianum Bunge. Верблюдка лемана – леман қумтариғи. Бир йиллик. Эрон-Ўрта Осиё. Бархан қумларда учрайди. Ромитан тумани (Эсанов, 2006). Ем-хашак ўсимлиги.

Cornulaca korshinskyi Litv. Корнулака коржинского – коржинский корнулакаси. Бир йиллик. Турон. Қумли, гилли ва шўрхоқ тупроқларда ўсади. Бухоро, Когон туманлари (Эсанов, 2008). Ўрта Осиё эндеми. Ем-хашак ўсимлиги.

Gamanthus gamocarpus (Moq.) Bunge. Спайноцветник спайноплодный – туташмевали донашўр. Бир йиллик. Эрон-Ўрта Осиё. Тақир, шўрхоқ ва гилли тупроқларда учрайди. Бухоро, Когон туманлари (Пазий, 1932; Эсанов, 2007). Ем-хашак ўсимлиги.

Girgensohnia oppositiflora (Pall.) Fenzl. Гиргенсония супротивноцветковая – учқанот саған. Бир йиллик. Эрон-Ўрта Осиё. Йўл бўйлари, шўрхоқлар, гилли, шағалли тупроқлар ва экинлар атрофларида ўсади. Бухоро, Когон туманлари (Пазий, 1932; Эсанов, 2007). Заҳарли ва ем-хашак ўсимлиги.

Halimocnemis latifolia Iljin. Галимокнемис широколистный – кенгбарг бузоқбош. Бир йиллик. Қизилқум. Қумли-чағилли, гилли-қумли тупроқларда ўсади. Бухоро, Когон, Ғиждувон туманлари (Андросов, 1902; Дробов, 1929; Пазий, 1932; Эсанов, 2007). Қизилқум эндеми. Ем-хашак ўсимлиги.

Halimocnemis macrantha Bunge. Галимокнемис крупнопильниковый – йирикчангдонли бузоқбош. Бир йиллик. Турон. Тақирлар, қумли-чағилли тупроқларда учрайди. Бухоро, Когон, Ғиждувон туманлари (Момотов, 1956; Эсанов, 2007). Ўрта Осиё эндеми. Ем-хашак ўсимлиги.

Halimocnemis pilifera Botsch. (= *Halotis pilosa* Iljin). Галимокнемис волосистый – туқдор ҳалотис. Бир йиллик. Эрон-Турон. Тақирлар, шўрхоқлар, шағалли тупроқларда ўсади. Бухоро, Когон туманлари (Эсанов, 2007). Ем-хашак ўсимлиги.

Halimocnemis villosa Kar. & Kir. Галимокнемис мохнатый – тукли бузоқбош. Бир йиллик. Турон. Шўрхоқлар, тақирлар, гипсли, гилли ва шағалли тупроқлар. Жондор тумани (Попов, 1926; Тыщенко, 1931). Ем-хашак ўсимлиги.

Halocharis hispida (Schrenk ex С.А. Mey.) Bunge. Галохарис щетинистоволосая – дағалтук қуёнжун. Бир йиллик. Турон. Ариқ ва йўл бўйлари, шўр тупроқларда ўсади. Бухоро шаҳри, Бухоро ва Когон туманлари (Пазий, 1932; Эсанов, 2007). Ем-хашак ўсимлиги.

Halocnemum strobilaceum (Pall.) M. Bieb. Сарсазан шишковатый – куббадор сарсазан. Яримбута. Шарқий Ўртаер-Эрон-Турон. Қўллар атрофлари, тақирлар, юмшоқ шўрхоқлар ва шўр тупроқларда учрайди. Бухоро, Когон тумани (Бурыгин, 1949; Эсанов, 2007). Ем-хашак ва захарли ўсимлик.

Halopeplis pugnata (Pall.) Bunge ex Ung.-Sternb. Соровник низкорослый – паст бўйли халопеплис. Бир йиллик. Турон. Тақирлар, шўрхоқ ва шўр тупроқларда ўсади. Бухоро, Когон тумани (Пазий, 1932). Ем-хашак ўсимлиги.

Halostachys bélangieriana (Moq.) Botsch. Соляноколосник беланже – беланжерия қорабароғи. Бута. Эрон-Турон. Нам ва юмшоқ шўрхоқлар, шўрланган тупроқлар, қўллар атрофларида учрайди. Бухоро шаҳри, Бухоро тумани (Линчевский, 1928; Лепешкин, 1931; Пазий, 1932; Эсанов, 2007). Доривор ва захарли ўсимлик.

Halothamnus subaphyllus (С.А.Мей.) Botsch. (= *Aellenia subaphylla* (С. А. Мей.) Aellen). Элления малолистная – баргсиз чўғон. Яримбутача. Эрон-Ўрта Осиё. Қумли, гилли, шағалли, шўрхоқ ва тақир тупроқлар. Жондор, Бухоро, Пешку туманлари (Пазий, 1932; Эсанов, 2006). Доривор, ем-хашак ва бўёқ берувчи ўсимлик.

Haloxylon aphyllum (Minkw.) Pjin. Саксаул безлистный – қора саксовул. Дарахт. Эрон-Турон. Шўрхоқ ва шўрланган тупроқларда ўсади. Бухоро, Когон, Пешку, Ромитан, Жондор туманлари (Момотов, 1956; Эсанов, 2008). Ем-хашак, ёқилғи ва бўёқ берувчи ўсимлик.

Haloxylon persicum Bunge. Саксаул белый – оқ саксовул. Дарахт. Эрон-Турон. Тўлқинсимон қумли ва гилли тупроқларда ўсади. Пешку, Ромитан, Қоракўл, Олот, Жондор, Қоровулбозор туманлари (Эсанов, 2006). Ем-хашак, ёқилғи, бўёқбоп ўсимлик.

Horaninovia anomala (Fisch. et С.А. Mey.) Moq. Гораниновия неправильная – қийшиқ сариқсаған. Бир йиллик. Эрон-Турон. Қумлар, майда қумли-шағалли тупроқлар ва тақирларда ўсади. Жондор тумани (Андронов, 1913; Попов, 1926; Момотов, Ли, 1955). Фойдаланилмайди.

Horaninovia ulicina Fisch. et С.А. Mey. Гораниновия улексовидная – сариқсаған. Бир йиллик. Эрон-Турон. Қумли тупроқларда ўсади. Жондор тумани (Попов, 1926; Пазий, 1932; Эсанов, 2006). Ем-хашак ўсимлиги.

Kalidium caspicum (L.) Ung.-Sternb. Поташник каспийский – ишқорли шохилоқ. Бутача. Турон. Юмшоқ, нам шўрхоқ тупроқларда ўсади. Бухоро, Пешку, Ромитан туманлари (Эсанов, 2007). Захарли ва ем-хашак ўсимлиги.

Kochia iranica Vornm. Кохия иранская – эрон изени. Бир йиллик. Эрон-Ўрта Осиё. Шўр, қумли, гилли, шағалли-тошли тупроқлар ва тақирларда ўсади. Бухоро тумани (Лепешкин, 1931). Доривор ўсимлик.

Kochia scoparia (L.) Schrad. Кохия веничная – супурги изен, бурган супургиси. Бир йиллик. Палеарктика. Экинлар атрофи, йўл бўйлари, далаларда ўсади. Бухоро воҳаси (Эсанов, 2006). Доривор, манзарали ва ем-хашак ўсимлик.

Londesia eriantha Fisch. et C. A. Mey. Лондезия пушистоцветковая – тукдоргулли лондезия. Бир йиллик. Қизилқум. Қумли, гилли тупроқлар ва тақирларда ўсади. Жондор тумани (Эсанов, 2008). Қизилқум эндеми. Ем-хашак ўсимлиги.

Nanophyton erinaceum (Pall.) Bunge. Нанофитон ежевый – кирпи тошбуюрғун. Яримбута. Понтик-Шарқий Қадимий Ўртаер. Шўрхоқлар, шағалли-тошли ва гилли тупроқларда ўсади. Бухоро, Когон туманлари (Эсанов, 2015). Доривор ва ем-хашак ўсимлиги.

Petrosimonia sibirica (Pall.) Bunge. Петросимония сибирская – сибир тўрғайўти. Бир йиллик. Эрон-Турон. Гилли-шағалли, шўрхоқ тупроқларда ўсади. Когон тумани (Пазий, 1932). Ем-хашак ўсимлиги.

Piptoptera turkestanica Bunge. Падучеккрыльник туркестанский – туркистон пиптоптераси. Бир йиллик. Турон. Шўрланган тупроқларда ўсади. Жондор тумани (Попов, 1926; Бочанцев, 1931; Пазий, 1932; Архиев, 1936). Ўрта Осиё эндеми. Фойдаланилмайди.

Salicornia europaea L. Солерос европейский – тузли қизилшўра. Бир йиллик. Ўртаер-Эрон-Турон. Далалар, юмшоқ ва нам шўрхоқлар, шўр қўллар атрофларида ўсади. Бухоро шаҳри, Когон, Пешку, Бухоро, Ромитан, Жондор туманлари (Пазий, 1932; Эсанов, 2006). Доривор, ошловчи, ем-хашак ўсимлиги.

Salsola androssovii Litv. Солянка андросова – андросов шўраги. Бир йиллик. Қизилқум. Шўрхоқлар, гилли-қумли тупроқларда ўсади. Бухоро тумани (Пазий, 1932). Қизилқум эндеми. Ем-хашак ўсимлиги.

Salsola aperta Paulsen. Солянка открытоплодная – очикмевали шўрак. Бир йиллик. Турон. Шўр тупроқларда ўсади. Пешку тумани (Эсанов, 2006). Ўрта Осиё эндеми. Ем-хашак ўсимлиги.

Salsola arbuscula Pall. Солянка деревцевидная – оқ боялиш шўрак. Бута. Қадимий Ўртаер. Мустаҳкамланган қумлар ва шағалли тупроқларда ўсади. Ромитан, Жондор, Пешку туманлари (Пазий, 1932; Эсанов, 2007). Ошловчи, ем-хашак, ёқилғи ва бўёқ берувчи ўсимлик.

Salsola collina Pall. Солянка холмовая – қумбоқ шўрак. Бир йиллик. Мўътадил Палеарктика. Шўр тупроқлар, ташландиқ ерлар, йўл бўйлари ва экинлар атрофида ўсади. Бухоро, Когон, Пешку, Ромитан, Жондор туманлари (Эсанов, 2007). Доривор ва ем-хашак ўсимлиги.

Salsola dendroides Pall. Солянка древовидная – шўрбута шўрак. Яримбутача. Шарқий Қадимий Ўртаер. Шўрланган ва гипсли тупроқларда ўсади. Бухоро шаҳри, Бухоро тумани (Пазий, 1932; Эсанов, 2016). Бўёқбоп ва ем-хашак ўсимлиги.

Salsola gemmascens Pall. Солянка почечконосная – куртакли кейреук, татир. Яримбута. Қадимий Ўртаер. Тақир, шўрхоқ, шағалли, гипсли ва гилли тупроқларда ўсади. Пешку, Ромитан туманлари (Эсанов, 2008). Доривор, ем-хашак ва бўёқ берувчи ўсимлик.

Salsola implicata Botsch. Солянка перепутанная – чигал шўрак. Бир йиллик. Турон. Қумли, кумли-гили тупроқларда ўсади. Бухоро тумани (Лепешкин, 1931). Ем-хашак ўсимлиги.

Salsola incanescens С. А. Меу. Солянка сероватая – кулранг шўрак. Бир йиллик. Эрон-Ўрта Осиё. Шўрхоқ, гили-қумли тупроқларда ўсади. Жондор тумани (Пазий, 1932). Ем-хашак ўсимлиги.

Salsola leptoclada Gand. Солянка тонковетвистая – ингичкашоҳли шўрак. Бир йиллик. Эрон-Ўрта Осиё. Қумли, гили ва шағалли тупроқларда ўсади. Жондор тумани (Пазий, 1932). Ем-хашак ўсимлиги.

Salsola micranthera Botsch. Солянка микропильниковая – майдачангдонли шўрак. Бир йиллик. Эрон-Турон. Шўрхоқ, гили-қумли тупроқлар. Пешку, Ромитан, Жондор туманлари (Пазий, 1932; Эсанов, 2006). Ўрта Осиё эндеми. Ем-хашак, захарли ва ёқилғи ўсимлиги.

Salsola nitraria Pall. Солянка натронная – оқчангалли шўрак. Бир йиллик. Кавказ-Турон-Қашқар. Тақир, гили, шўрхоқ, гипсли ва шағалли тупроқларда ўсади. Бухоро тумани (Пазий, 1932). Ем-хашак ўсимлиги.

Salsola orientalis S. G. Gmel. Солянка восточная – шарқ шўраги. Яримбута. Понтик-Шарқий Қадимий Ўртаер. Шағалли, гили-шўрхоқ тупроқлар ва тақирларда ўсади. Пешку, Ромитан туманлари (Эсанов, 2006). Ем-хашак, ёқилғи.

Salsola paletziana Litv. Солянка палецького – палец шўраги. Дарахтча. Турон. Қумли тупроқларда ўсади. Пешку, Ромитан, Жондор, Қорақўл туманлари (Эсанов, 2006). Ўрта Осиё эндеми. Доривор, ем-хашак, бўёқбоп ва ошловчи ўимлик.

Salsola paulsenii Litv. Солянка паульсена – паульсен шўраги. Бир йиллик. Турон. Қумли ва гили-шағалли тупроқларда ўсади. Бухоро, Когон, Пешку, Ромитан, Жондор, Қорақўл туманлари (Попов, 1926; Лепешкин, 1931; Дробов, 1929; Эсанов, 2007). Ем-хашак ва ёқилғи ўсимлиги.

Salsola praecox (Litv.) Pjin. Солянка ранняя – эртанги шўрак. Бир йиллик. Европа-Кавказ-Ўрта Осиё. Қумли тупроқларда ўсади. Бухоро тумани (Момотов, Ли, 1955; Эсанов, 2008). Ем-хашак ўсимлиги.

Salsola richterii (Моқ.) Кар. ex Litv. Солянка рихтера – черкез шўрак. Дарахтча. Эрон-Турон. Қумли тупроқларда ўсади. Бухоро, Жондор, Қорақўл туманлари (Пазий, 1932). Доривор, ем-хашак, бўёқбоп, ёқилғи ва асал ширали ўсимлик.

Salsola sclerantha С.А. Меу. Солянка хрящецветная – сета шўрак. Бир йиллик. Турон. Қумли ва шағалли тупроқлар ва шўрхоқларда ўсади. Бухоро воҳаси (Пазий, 1932; Эсанов, 2006). Ем-хашак ўсимлик.

Suaeda acuminata (С.А.Меу.) Моқ. Сведда заостренная – қиррали қорабаргўт. Бир йиллик. Ўрта Осиё-Қашқар. Шўр тупроқлар, ташландиқ ерлар ва экинлар атрофида ўсади. Бухоро, Жондор, Қорақўл туманлари (Попов, 1913; Пазий, 1932; Бурыгин, 1947). Ем-хашак ўсимлиги.

Suaeda arcuata Bunge. Сведда дуголистная – қабариқ қорабароқ. Бир йиллик. Эрон-Турон. Шўр тупроқлар, ташландиқ ерлар ва экинлар орасида ўсади. Бухоро воҳаси (Архиреев, 1936; Эсанов, 2015). Ем-хашак ўсимлиги.

Suaeda crassifolia Pall. Сведда толстолистная – қалинбаргли қорабаргўт. Бир йиллик. Турон. Нам шўр тупроқлар ва экинлар орасида ўсади. Бухоро, Когон, Вобкент туманлари (Пазий, 1932; Момотов, Ли, 1956). Ем-хашак ўсимлиги.

Suaeda heterophylla Bunge ex Boiss. Сведда разнолистная – ҳар хил баргли қорабаргўт. Бир йиллик. Кавказ-Турон-Эрон. Нам шўр тупроқлар, экинлар ораси, йўл, канал ва ариқ бўйларида ўсади. Бухоро, Ғиждувон, Вобкент, Қорақўл туманлари (Пазий, 1932; Анфалов, Иванова, 1934). Ем-хашак ўсимлиги.

Suaeda microphylla Pall. Сведда мелколистная – майдабаргли қорабаргўт. Бута. Кавказ-Турон-Қашқар. Нам ва юмшоқ шўрхоқлар ва тақирларда ўсади. Бухоро шаҳри, Бухоро тумани (Пазий, 1932). Ем-хашак ўсимлиги.

Suaeda microsperma (С.А.Меу.) Fenzl. Сведда мелкосемянная – майдауруғли қорабаргўт. Бир йиллик. Турон. Гипсли тупроқлар, бўз ерлар ва шўрхоқларда ўсади. Жондор, Когон, Вобкент туманлари (Попов, 1926; Лепешкин, 1931; Пазий, 1932). Ўрта Осиё эндеми. Ем-хашак ўсимлиги.

Suaeda paradoxa (Bunge) Bunge. Сведда странная – ғалати қорабароқ. Бир йиллик. Турон. Ташландиқ ерлар, экинлар атрофи, шўр тупроқлар ва далаларда ўсади. Бухоро воҳаси (Пазий, 1932; Эсанов, 2006). Ўрта Осиё эндеми. Ем-хашак ўсимлиги.

Spinacia turkestanica Пјin. Шпинат туркестанский – туркистон исмалоғи. Бир йиллик. Турон. Экинлар ораси, ташландиқ ерлар ва йўл бўйларида ўсади. Бухоро тумани (Эсанов, 2007). Доривор, ем-хашак, озиқбоп ва асал ширали ўсимлик.

Келтирилган ушбу конспект дастлабки тадқиқот натижалари асосида тузилган бўлиб, кейинги тадқиқотларда турлар сони яна кўпайиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда мазкур оила вакиллари бошқа чўл флоралари сингари чўлга хос етакчилик хусусиятларни намоён қилиб, ҳудуднинг турли экологик муҳитларида тарқалганлигини кўрсатди.

References:

1. Erejepov S.E. Flora Karakalpakii, ee xozyaystvennaya xarakteristika, ispolzovanie i ohrana. – Tashkent: Fan, 1978. – 240 s.
2. Opredelitel rasteniy Sredney Azii. V 11-x t. – Tashkent: Nauka, 1968-2015.
3. Turemuratov U. Rastitelnyy pokrov severo-zapadnix Kizilkumov. – Tashkent: Fan, 1978. – 276 s.
4. SHerbaev B. Flora i rastitelnost Karakalpakii. – Nukus: Karakalpakstan, 1988. – 304 s.
5. Esanov H.Q. Buxoro vohasida tarqalgan sho'radoshlar oilasi xususida // Botanika sohasidagi ilmiy – amaliy yutuqlar va dolzarb muammolar: Respublika ilmiy – amaliy konferensiyasi. – Samarqand, 2014. – B. 57-58.
6. Esanov H.Q. The alien fraction of the flora of Bukhara oasis // Stapfia Reports. – Austria, 2016. – № 105. –pp. 92- 98.
7. International Plant Names Index [Elektronniy resurs]. – <http://www.ipni.org>.
8. Takhtajan A.L. Diversity and classification of Flowering Plants. Columbia University Press, 1997. – 643 p.
9. The Plant List [Elektronniy resurs]. – <http://www.theplantlist.org>.